

O'zbekiston OVOZI

МЕН САЙЛОВГА ТАЙЁРМАН, СИЗ-ЧИ?



Дилафруз Йўлдошева, Ёшлар парламенти аъзоси:

— Мамлакатимиз тақдири, тараққиётга дахлдор бўлган, барчамизнинг зиммамизга улкан масъулият юкловчи муҳим сиёсий санага санокли кунлар қолди. Президент сайлови биз, ёшлардан фаоллик ҳамда бирдамликни талаб қилади.

Тенгдошларимнинг ўз тақдирини мамлакат тақдири билан узвий боғлиқликда кўриши, тўғриси, мени жуда руҳлантирапти. Уларнинг сайлов, унинг аҳамияти ҳақидаги тушунчалари юксалгани, ислохотларга, жамиятимизда рўй бераётган жараёнларга дахлдорлик тўғриси ортигидан кўнгилм тоғдек кўтарилди.

Ишонч билан айта оламаники, биз, мамлакатимиз йигит-қизлари энг муносиб номзодга овоз берамиз.

Достон ҲАМИДОВ, ЎХДП «Ёшлар қаноти» фаоли:

— Бу йил сайловда биринчи марта иштирок этаман. Албатта, ҳаяжондаман. Чунки, энди биз сайлаш ҳуқуқига эгамиз ва менда ҳам овоз бериш имкони юзага келди.

Ўйлаيمانки, тинч, фаровон мамлакатда Президент сайловида иштирок этишимнинг ўзи катта бахт. Давлат ва жамият бошқарувида овозим билан иштирок этишим бу ҳаётда муносиб ўрним борлигидан далолат беради. Сайлов кунини ўзим истаган номзодга эркин овоз беришим жамиятимизнинг тенг ҳуқуқли аъзоси эканимни билдиради. Бу, албатта, зиммамизга катта масъулият ҳам юклайди.

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

6 ОКТАБР

Марказий сайлов комиссиясида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи давлатлари Парламентлараро Ассамблеяси (МДХ ПА) Кенгаши котибияти раиси ўринбосари — МДХ ПА иштирокчи давлатларида демократиянинг ривожланиши, парламентаризм ва фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларига риоя этилишини мониторинг қилиш халқаро институти (ДПРХИ) директори И.Мушкет бошчилигидаги делегация вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.

Марказий сайлов комиссияси раиси Зайниддин Низамходжаев меҳмонларни сайлов кампанияси тадбирлари билан таништириб, сайлов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда Сайлов кодексига мувофиқ очик ва ошқора ўтказилаётганини таъкидлади. Шу билан бирга, айтиб ўтганимиздек, Президентликка номзодларнинг сайловда ташвиқоти жараёни бўлиб ўтаётгани, муддатидан олдин овоз бериш тартиби, чет давлатда бўлиб турган Ўзбекистон фуқароларининг сайловда иштирок этишлари учун барча имкониятлар яратилганини қайд этди.

7 ОКТАБР

Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Мажлиси комиссия раиси З.Низамходжаев олиб борди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказишда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари, Ўзбекистон Президенти сайловида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан қатнашадиган кузатувчиларни аккредитация қилиш ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари аккредитациядан ўтказиш масалалари муҳокама этилди.

Шунингдек, Президент сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан айрим округ сайлов комиссиялари раисларининг ахборотлари тингланди.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи давлатлари Парламентлараро Ассамблеяси (МДХ ПА) Кенгаши котибияти раиси ўринбосари — МДХ ПА иштирокчи давлатларида демократиянинг ривожланиши, парламентаризм ва фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларига риоя этилишини мониторинг қилиш халқаро институти (ДПРХИ) директори И.Мушкет бошчилигидаги делегация вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.

Унда кузатувчилар гуруҳи сиёсий партия тарихи ва ғоялари, партия номзодининг Сайловда дастури ҳамда тарғибот ва ташвиқот ишлари, хусусан, партия ва номзоднинг сайловга тайёргарлиги, сайлов кампанияси ва сайловда ташвиқоти давридаги фаолияти билан таништирилди. Сайлов штаби гуруҳлари ва уларнинг вазифалари тўғрисида ахборот берилди.

8 ОКТАБР

МДХ ПА кузатувчилар гуруҳи 14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссиясига ташриф буюрди.

Учрашув давомида сайлов комиссияси раиси Одил Абдурахмонов сайловга тайёргарлик жараёнлари Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича календарь режа" асосида олиб борилаётгани ҳақида маълумот бериб ўтди.

12 ОКТАБР


"Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилиги: асосий янгиликлар ва эътибор қаратиш лозим бўлган муҳим жиҳатлар" мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Унда МСК раиси, Швейцариянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги биринчи ўринбосари иштирок этди.

Семинарда Ўзбекистон тарихида илк марта миллий парламентда хотин-қизлар сони Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан белгиланган тавсияларга мос даражага етгани, мамлакатимиз парламенти хотин-қизлар сони бўйича дунёдаги 190 та миллий парламент ўртасида 37-ўринга кўтарилгани, бугунги кунда сиёсий партияларда фаолият юритаётган хотин-қизлар улуши 44 фоизга, бошқарув лавозимидаги хотин-қизлар улуши 27 фоизга етгани қайд этилди.



**Матилда ДИМОВСКА,
БМТ Тараққиёт
дастурининг
Ўзбекистондаги
доимий вакили:**
"МСК ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги қўмағида шу ҳафта давомида ҳудудий ОАВ вакиллари учун яна 6 та қўшимча онлайн-тренинглар ташкил этилади. Бундай тренинглар жойлардаги сайловчиларга маълумот етказишда катта аҳамиятга эгадир".



Сайловга оид саволларингиз борми?
Ундай бўлса кўнғироқ қилинг.

Хориждаги фуқаролар учун: **+998 (55) 500-12-00**
Ватандаги фуқаролар учун: **12-00**

saylov.uz

13-oktyabr, chorshanba, 2021-yil.
№41 (32683)

МАҚСАДЛАР — АНИҚ, ВАЗИФАЛАР — УСТУВОР

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Оҳангарон туманидаги Ёшлар маркази. Унда ўнлаб одам йиғилган. Эътиборлиси, уларнинг барчасида ислохотларга дахлдорлик ҳисси мужассам. Яъни, сайловларга бефарқ эмас. Учрашувга келган ҳар бир фуқаро ўз танлови, овози, фикри аҳамиятли эканига ишонади.

Халқ демократик партиясидан Президентликка номзод Мақсуда Ворисовани қувватлашга қаратилган сайловолди тарғибот тадбири анъанавий тарзда номзоднинг **Тошкент вилоятидаги ишончли вакили Акмал Умаралиев**нинг кириш сўзи билан бошланди. Номзоднинг таржимаи ҳоли, фаолияти аҳоли вакиллари батафсил таништирилди. Мухими, Сайловолди дастуридан ўрин олган асосий вазифалар, ғоя ва мақсадлар ҳақида тушунчалар берилди.

– Дастурнинг асосий мақсади – мамлакатимизда ижтимоий тенглик ва халқ демократияси мезонларига мос келади деган давлат ва жамият барпо этишдир, – деди ишончли вакил Акмал Умаралиев. – Унга эришиш йўллари эса турли йўналишларда кўрсатиб берилган. Энг аввало, аҳоли манфаатларини таъминлашга қаратилган кучли ижтимоий сиёсат юритиш экани таъкидланади. Масалан, табақалаштирилган солиқ тизими, минимал ижтимоий хизматлардан фойдаланишни қонунийлаштириш ёки барқарор иш ўринлари билан таъминлаш каби ташаббуслар ҳаётининг билан аҳамиятлидир.

Бу аввало, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига устувор ҳуқуқларнинг амалга оширилиши учун кафолат беради. Зеро, ижтимоий ҳимоя қилиш тизими барча муҳтож фуқароларни

қамраб олиши зарур.

Худди шундай учрашув Олмалик шаҳрида ҳам бўлиб ўтди. “Металлург” маданият саройига йиғилган сайловчилар Президентликка номзоднинг ишончли вакили билан мулоқот ўтказди.

Асосий эътибор Сайловолди дастур ва ундан ўрин олган устувор вазифаларга қаратилди. Инсон манфаатлари асосига қурилган, ижтимоий ҳимоя устувор саналадиган тенг ҳамда адолатли мамлакатнинг истикболи билан боғлиқ ғоялар ҳақида сўз борди.

– Бунда аввало, жамиятда барча учун тенг имконият ва шароит яратиш талаб этилади, – деди ишончли вакил. – Шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларнинг талаб ва эҳтиёжлари, қонуний ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Бу борадаги тизимни тубдан яхшилаш мақсадида илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда, кўрилиши зарур бўлган чора-тадбирлар айтиб ўтилган.

Мисол учун, миллий қонунчиликни БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари бўйича конвенциянинг тамойиллари ва меъёрларига мувофиқлаштириш лозим. Ана шунда халқаро меъёрларда белгиланган тўсиқсиз жамият юзага келади. Ваҳоланки, ногиронлиги бўлган шахслар учун яратилган шароит барчанинг манфаатларига бирдек хизмат қилишига шубҳа йўқ. Шу билан бирга, ногиронлиги бўлган шахсларга оид халқаро меъёрларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш ҳам кўзда тутилмоқда. Бу орқали ушбу тоифа кишиларнинг ҳуқуқлари тўлиқ таъминланишига эришилади. Ҳамма тенг, деган тамойил амалда ўз исботини топади.

Ишончли вакил номзоднинг дастури ҳақида гапирар экан, ҳар бир йўналишдаги саволларга жавоб берди.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

– Жамият ҳаётининг барча соҳасини янада эркинлаштириш ва ислох қилиш жараёни изчил давом этаётган бугунги кунда ечимини кутаётган масалалар аҳоли билан бевосита очик мулоқот орқали муҳокама қилиниб, ўз ечимини топмоқда, – дейди **Ўзбекистон ХДП Жиззах вилояти кенгашидаги “Ёшлар қаноти” клуби раҳбари Даврон Эргашев**. – Шу боис юртдошларимизнинг кайфияти, ташаббускорлик ва яратувчилик иштиёқи юксалиб бормоқда. Мухими, бугун улар оддий халқ дардини эшитувчи, муаммосига ечим топишга қўмаклашувчи давлат ва жамоат ташкилотларига ишонч билдирмоқда. Шу нуқтаи назардан, сиёсий партиялар, уларнинг парламентдаги фракцияси аъзолари ҳам мана шу масъулиятли вазифани ҳис қилган ҳолда, амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг ташаббускори ҳамда асосий иштирокчиси бўлишга интилаётгани аҳоли фаоллигининг ўсишига туртки бўлмоқда.

Ушбу жиҳатлар сайловчилар билан ўтказилаётган учрашувларда ҳам яққол акс этмоқда. Сабаби, сайловчилар учрашувларда шунчаки қатнашмаяпти. Асосийси, Сайловолди дастурида илгари сурилган ғоя ва ташаббусларни чуқурроқ ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда фикр билдириш кўникмасига эга. Демак, эндиликда ҳамюртларимиз ўз танловларида қатъий, эртанги кундан нима исташини аниқ билади, келажагини тасаввур қила олади. Ўйлайманки, бу жуда муҳимдир.

Халқ демократик партиясидан Президентликка кўрсатилган номзод Мақсуда Ворисованинг Жиззах

вилоятидаги ишончли вакили Нуриддин Холматов аҳоли билан ўтказилаётган очик мулоқотлар давомида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим вазифаларига эътибор қаратиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳолатини ўрганмоқда. Жараёнда номзоднинг Сайловолди дастури юзасидан сайловчилар билан фикр алмашиляпти. Аҳоли ичига кириб, уларни ўйлантираётган масалаларни ўрганиш, турли соҳа ва йўналишдаги муаммоларни жойида ҳал қилиш, айрим масалалар юзасидан тегишли вазирлик ва идораларга депутатлик сўрови ва мурожаатлар юбориш ҳам тадбирдан ўрин олган.

Нуриддин Холматов дастлаб Янгиобод туманида бўлиб, тумanning ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ҳолати, тиббиёт, таълим ва мактабгача таълим ташкилотлари фаолияти билан танишди.

Нуриддин Холматов ёшлар ва партиянинг фаол аъзолари билан учрашувларда номзод дастуридан жой олган масалаларнинг ечими юзасидан суҳбатлар ўтказди, аҳоли билан санимий мулоқотда бўлди. Ўқиш ва иш шароитлари билан танишди, йигит-қизларни турли ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишдан асраш, бу борада ота-оналар, таълим муассасаси ҳамда жамоатчилик масъулиятини ошириш, ҳамкорлигини кучайтириш юзасидан таклифларини билдирди. Шунингдек, аҳолини ХДПдан кўрсатилган номзоднинг дастури билан таништириб, ундаги кенг қамровли вазифалар ҳақида тушунча берди.

Жойларда ишончли вакиллар билан учрашувлар, юзма-юз мулоқотлар давом этмоқда.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

Денов педагогика институтида Ўзбекистон ХДПдан Президентликка номзод Мақсуда Ворисованинг **Сурхондарё вилоятидаги**

ишончли вакили Алишер Пардаев сайловчилар билан учрашди. Дастлаб йиғилганлар номзоднинг таржимаи ҳоли ва меҳнат фаолияти билан таништирилди. Шундан кейин номзоднинг Сайловолди дастури хусусида сўз юритилиб, ундаги асосий

йўналишлар ҳақида тўхталиб ўтилди.

Маълумки, дастур 9 та устувор йўналишни қамраб олган бўлиб, асосий диққат-эътибор мамлакатимиздаги ижтимоий ислохотларга қаратилган. Шу билан бирга, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва зарур шароитлар яратиш асосий вазифалардан бири этиб белгиланган.

Бугун ҳар бир соҳада янгиликлар ва тараққиётни кузатиш мумкин. Айниқса, сўнгги йиллардаги тарихий ислохотлар юртдошларимизнинг эртанги кунга бўлган ишончини оширмоқда.

Ҳасан МИРЗАЕВ,
Ўзбекистон ХДП Денов
туман кенгаши раиси:

– Ҳозирги кунда юртдошларимизнинг бир қисмини ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатлами ташкил қилади. Уларнинг манфаатларини таъминлаш доим долзарблик касб этган. Бу борада айрим муаммолар борлиги ҳам ҳақиқат. Партиямиздан номзод Мақсуда Ворисованинг дастуридан имтиёзли ипотека кредити ажратиш амалиётини соддалаштириш асосий мақсадлардан бири этиб белгилангани эътиборга молик.

Шахло ҚОДИРОВА,
Халқ депутатлари вилоят
Кенгашидаги Ўзбекистон
ХДП гуруҳи аъзоси:

– Дастурда аҳоли саломатлиги муҳофазасига алоҳида эътибор қаратилгани мутахассис сифатида мени хурсанд қилди. Тиббиёт муассасаларида бепул хизматлар рўйхатини қонуний жиҳатдан мустаҳкамлаш, ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар йили кўрикдан ўтказиш, пенсионерлар ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларга дори воситалари ва бошқа тиббий ижтимоий хизматларни тақдим этиш тизимини такомиллаштириш ташаббуси ҳам назарда тутилган.

Малика БОБОРАЖАБОВА,
Денов тиббиёт техникуми
ўқувчиси:

– Дастурда миллат давомчилари бўлган ёшларни қўллаб-қувватлаш ва уларга қулай шароитлар яратиш борасида ҳам аниқ таклифлар баён қилинган. Жумладан, бепул олий таълим бериш тизимини тартибга солишнинг замонавий механизмларини қонуний жиҳатдан мустаҳкамлаш ва амалиётга жорий этиш борасида сўз юритилган. Шунингдек, талабаларнинг дарсни ўзлаштириши ва уларнинг инновацион фаолиятда иштирок этишига қараб стипендиялар миқдорини белгилаш ҳам кўзда тутилган.

Айрим маданият уйлари,

спорт иншоотлари, “Баркамол авлод” марказлари ҳамда мусиқа ва санъат мактабларига бўлган эътиборни янада ошириш лозим. Ана шундай йўналишлар ҳам эътибордан четда қолмаганини маъқул ҳолат, деб биламан.

Нодир ЖўРАҚУЛОВ,
Денов туманидаги 4-сон
касб-ҳунар мактаби
ўқитувчиси:

– Тан олиб айтиш лозим, сўнгги йилларда кам таъминланган оилалар фарзандларининг билим олиши учун кенг имкониятлар яратилди. Иқтидорли ўғил-қизларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамиятга эга. Номзод томонидан ана шундай жиҳатлар ҳам эътибордан четда қолмагани қувонарли.

Очиқ ва самимий руҳда ўтган учрашувда сайловчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди. Аниқ таклиф ва мулоҳазалар ўртага ташланди. Сўзга чиққанлар йиғилганларни Президент сайловида фаол иштирок этишга чақирди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
“Ўзбекистон овози”
мухбирлари.

Хорижда овоз бериш учун нима қилиш керак?

- Хориждаги фуқароларимиз сайловдан **15 кун олдин** Ўзбекистоннинг дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида тузилган УСҚларга ёзма тарзда ариза бериши керак.
- Ташқи ишлар вазирлигининг **saylov.mfa.uz** сайти орқали электрон мурожаат жўнатиш ҳам мумкин.
- Хориждаги УСҚ сайловчиларни овоз бериш **вақти ҳамда жойи** тўғрисида **хабардор қилади**.
- Овоз бериш УСҚ жойлашган давлатнинг **маҳаллий вақти** билан **8:00 дан 20:00** гача давом этади.
- Хорижда **муддатидан олдин овоз бериш** сайловга **10 кун** қолганда бошланиб, **3 кун** қолганда тугайди.



Сайловолди кампания давомида чинакам баҳс-мунозара муҳити вужудга келди.



САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ: РАНГ-БАРАНГЛИК ВА МУНОЗАРА МАДАНИЯТИ

МАНЗУ НЕГА МУҲИМ?

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловга 10 кун вақт қолмоқда. Сайловолди кампания ҳал қилувчи босқичга кирди. Партиямиз вакиллари ўз номзоди – Максуда Ворисова атрофида жипслашиб, унинг Сайловолди дастурини кенг тарғиб этиб, истиқболга юзланиб туришибди.

Бу галги сайловларнинг аввалгиларидан ажратиб турадиган бир неча муҳим хусусиятлари мавжуд. Бу, аввало, фуқароларда сиёсий фаолликнинг ошганида яққол кўзга ташланади. Қолаверса, Сайловолди кампания давомида **чинакам баҳс-мунозара муҳити** вужудга келди.

Президентлик сайлови – мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, маданий ҳамда ҳуқуқий соҳадаги **тараққиётини акс эттирувчи барометрлардан бири** ҳисобланади. Шу маънода, айти пайтда мамлакатимиз ҳаётида рўй бераётган жараён – сиёсий мунозара муҳити, ундаги ранг-баранглик учинчи мингйилликнинг учинчи декадасига ўзбек жамияти қандай ғоялар билан кириб бораётганини намоён этмоқда.

ЗИЁЛИСИ УЙҒОҚ ХАЛҚ – БАХТЛИ ХАЛҚ

Сир эмаски, сўз эркинлигининг самараларидан дастлаб нотўғри фойдаланиш, ижтимоий тармоқда блог, саҳифа шаклида минбар яратиб олиб, ўзининг ғариб, етарли асосланмаган субъектив фикрини мутлақ ҳақиқат тарзида талқин қилиш ҳолатлари ҳам кузатилди.

Бир парча матни ҳам кўзига тўтиё қилиб ўқийдиган, сўзни қадрлайдиган халқимиз эса бу тушуниқсиз жимжималар қаршисида ҳайратда қолиб, ўз зиёлиларидан, олимларидан сўз сўраб турган эди.

Жорий йилги Президент сайлови шундай ижтимоий-маънавий муҳитда ўтказилмоқдаки, айнан шу йил бошларидан эътиборан медиа муҳитда зиёлилар фаоллаштиши кузатилди, ахборот технологияларини ўзлаштириб, атоқли олимлар, шоир ва ёзувчилар тармоқларда ўз расмий саҳифаларини юрита бошлашди. Демокримизки, жиддий мунозаралар арафасида шундай муҳитни вужудга келтириши кутилаётган қатлам, табиий равишда, информацион оламнинг барча жабҳасида жавлон уради.

Воқеаларнинг бундай ривожига, аниқки бошқа партиялар, балки электоратнинг асосий қисмини зиёлилар, ўқитувчилар ташкил этадиган ХДП учун ҳам анча манфаатли бўлди, дейиш мумкин. Бизнинг номзод билдирган таклиф ва ташаббуслар манфаатдор ижтимоий қатлам вакиллари томонидан ижтимоий-сиёсий фаоллик билан кузатиб борилмоқда ва медианинг барча жабҳасида ўзига хос фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда.

ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАР ВА ЯНГИ ДАВР

Ҳар қандай сайлов, айниқса, Президент сайловини – янги ғоя ва ташаббуслар

синовдан ўтадиган майдонга менгаш мумкин. Бугун Ўзбекистон мана шундай **тарихий паллани** бошдан кечирмоқда.

Яна бир жиҳатни алоҳида ифтихор ва ғурур билан таъкидлашни истардимки, халқ демократиясининг энг бирламчи зарурияти бўлган эркин сайловлар тизими бугунги кунга етиб келгунча бир неча **тадрижий босқичларни** босиб ўтган.

Парламент тарихида Буюк Британия парламентаризмнинг ватани, деб айтилади, аммо тадқиқотлар ўлкамизда қадимги замондан бошлаб кенгашлар, қурултойлар шаклидаги сайловлар ўтказилганини, ўзига хос тизим бўлганини кўрсатади.

Умуман, бизнинг қадимий удумларимизга кўра, вакиллик сайловига ўхшаш тизимлар бўлган, секин-аста ривожланиб, эволюцияга учраб борган. Ушбу органларга муносиб вакиллар сайланганлиги, улар жамият ҳаётига катта таъсир кўрсатганлигини, умуман олганда, **демократик сайловлар тизими мавжуд бўлганлигини** исботлайди.

Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихида сайловлар билан боғлиқ бой тажрибалар бор.

Шу маънода, **бугунги сайлов наинки, келажак танлови, ўз навбатида, ота-боболаримиз заковатидан мерос давлатчилик анъаналарини янада ривожлантирадиган, халқ, миллат сифатида прогрессив тараққиёт йўлида эканлигимизни билдирадиган тарихий ҳодисадир.**

ПАРТИЯ ЮТҚАЗМАЙДИ

ХДП, агар хронологик босқичларга бўлинса, сиёсий куч сифатида **шаклланиш, ривожланиш ва юксалиш** даврларини бошдан ўтказди. Бир партияли, тоталитар тузумдан кейин, мустақиллик йилларида партия ич-ичидан, аввало ғоявий жиҳатдан ривожланди, сўл қарашлар тарафдори сифатида парламентда ўз ўрнига эга бўлиб, мамлакат ҳаётини, тақдирини белгилашда аҳамиятга эга куч ўлароқ жамиятга юзланди, катта таъриба тўплади.

Жорий сайловларда ҳам номзодимиз – Максуда Ворисованинг Сайловолди дастурини ишлаб чиқиш ва унинг моҳиятини фаол тарғиб этишда мана шу шаклланган таърибага таянилади.

Катта тайёргарлик кўрилди, ҳудудларда учрашувлар ўтказилди, дастурнинг бандлари изчил муҳокамада бўлиб турибди, халқимизга янги ғоя ва ташаббуслар мазмуни баён этилди. Бизнинг бу ғояларимиз кенг **сайловчилар тафаккурида қандай акс-садо беришидан қатъи назар**, мамлакатни ривожлантиришга муқобил вариант тақдим эта олишга қодир, шундай таклиф ва ташаббуслар мажмуи билан катта сиёсий жараёнда иштирок этаётган жамоанинг бир қисми бўлиш ёқимли ҳиссиёт. Бинобарин, сайловолди штабимиз кўтаринки руҳиятда ишламоқда.

Таъкидлаш жоизки, Президентликка номзодини қўйган шахс, мулоқот табиий равишда, ўз дастурида халқнинг орзу-интилишларини мужассам қилишга чоғланади. Қўраямизки, жорий сайловларда ҳам ҳар бир номзод ўз ҳаётини таърибаси, сиёсий тафаккури ва ёндашувидан келиб чиқиб,

Президентлик сайлови –

мамлакатнинг

ижтимоий-сиёсий,

маданий ҳамда

ҳуқуқий соҳадаги

тараққиётини

акс эттирувчи

барометрлардан

бири ҳисобланади.

Шу маънода, айти

пайтда мамлакатимиз

ҳаётида рўй

бераётган

жараён – сиёсий

мунозара муҳити,

ундаги ранг-

баранглик учинчи

мингйилликнинг

учинчи декадасига

ўзбек жамияти

қандай ғоялар

билан кириб

бораётганини

намоён этмоқда.

мамлакатимизни янада ривожлантиришни кўзда тутувчи кўплаб **эзгу ташаббус ҳамда ғоялар билан майдонга чиққан.**

Максуда Ворисованинг Сайловолди дастурида камбағалликни қисқартирилишига ёндашуви ўзига хос бўлиб, **мақсад, режа сифатида** илгари сурилган. Қандай механизмлар ва қайси маблағлар ҳисобига кам таъминланган аҳоли қатламлари улушини қисқартириш масалалари чуқур ва асосли кўриб чиқирилиши лозим бўлган масала, албатта.

ИҚТИСОДИЙ ЭРКИНЛИКНИ БЎҒИШ ТАРАФДОРИ ЭМАСМИЗ!

Халқ демократик партиясидан Президентликка номзоднинг сайловчилар билан учрашувларида айтган "...иқтисодиётга эркинлик бериш жамиятни ижтимоий

ривожлантириш мақсадларига эришиш кафолатини бермайди", деган қарашларига иқтисодиёт фанлари доктори, таниқли олим **Нодирбек РАСУЛОВ** танқидий муносабат билдирибди.

Иқтисодчи олимнинг фикрига кўра, иқтисодиётни либераллаштиришдан асосий мақсад иқтисодий жараёнларга давлат аралашувини чеклаш орқали иқтисодиёт таркибидаги давлат улушини камайтириш ҳамда кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кўпроқ эркинлик берилиши тушунилади.

Нодирбек Расулов шу мулоҳазаларни айтган экан, номзод томонидан билдирилган фикрни Ўзбекистоннинг кейинги йилларда эришган ютуқлари ва иқтисодиётни эркинлаштириш билан чамбарчас боғлиқ бўлган юксак марраларга **зиддият**ли равишда қарама-қарши қўяди.

ХЎШ, АСЛИДА ҲАМ ШУНДАЙМИ?

Ҳолбуки, Максуда Ворисова айтган мулоҳазани фақат иқтисодчилар нуқтаи назари билан баҳолаш **мутлақо нотўғри ёндашувдир.** Чунки, гапнинг заминига эътибор қаратилса, бу ерда асосий **урғу** жамиятни ижтимоий ривожлантиришни кафолатлайдиган ягона ғоя ёки йўлнинг мавжудлиги ҳақидаги тезис йўқ ва бўлиши мумкин эмаслигига қаратилмоқда.

Гап шундаки, **ижтимоий ривожланиш қонуниятлари иқтисодиёт қонуниятлари билан бақамти юрмайди.** Уларга бошқа-бошқа мантиқ назари билан қараш керак.

Масалан, иқтисодиёти жуда тараққий этган, иқтисодиёти эркин бўлган давлатларда ижтимоий ривожланиш (арабча "ижтимоъ" – инсонга доир, тушунчада – шахс ривожланишини қамраб олувчи маънавий-маданий шарт-шароитлар, қарашлар мажмуи) у қадар юксак эмас. Аммо, шунинг баробарида, иқтисодиёти давлат томонидан бошқариладиган, эркинлик чекланган давлатларда ҳам ривожланиш суръати юқори бўлмаслигини кузатганмиз.

Мухтасар айтганда, кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш билан боғлиқ эркин иқтисодий сиёсатни юритиш, бунда **ижтимоий ривожлантиришга алоҳида эътиборли бўлиш** – номзоднинг Сайловолди дастури моҳиятида мана шу масала мужассам. **"Ҳақиқат битта, талқинлар эса кўп"**, деганларидек, бу ҳаётини ва ҳамиша устувор фикрдан хато излашнинг ўзи кулгили, бизнингча.

ХУЛОСА

Плюрализм, фаол муҳокама муҳити, дўстона рақобат, миллий давлатчилик тараққиёти йўлида камарбаста эканлигини унутмаган ҳолда жараёнда иштирок этиш – жорий сайловларнинг асосий жиҳатлари, янгилиги, ўзига хослиги, дейилса, муболаға бўлмайди.

Юқоридаги фикрларимизни умумлаштириб айтганда, сайлов – сиёсий кураш. Бу курашда охириги сўзни сайловчилар ўтади.

Саид БОБОЕВ.

13-oktyabr, chorshanba, 2021-yil.
№41 (32683)

Дастурда ёшлар масаласига алоҳида урғу берилгани менда катта қизиқиш уйғотди.

ИЖТИМОИЙ
ТЕНГЛИК ЙЎЛИДАЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА
ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИДАН
НОМЗОД ДАСТУРИ
ХУСУСИДА
МУТАХАССИСЛАР,
ПАРТИЯ ФАОЛЛАРИ,
ДЕПУТАТЛАР ВА
ЖАМОАТЧИЛИК
ВАКИЛЛАРИ
ТУРЛИ ФИКРЛАР
БИЛДИРМОҚДА.**Мўътабар
СУЛТОНОВА,
Ўзбекистон ХДП
Хоразм вилоят
кенгаши бўлим
бошлиғи:**

— Дастурда ёшлар масаласига алоҳида урғу берилгани менда катта қизиқиш уйғотганини яширмайман. “Ёшларнинг сифатли таълимдан тенг фойдаланишини таъминлаш” деб номланган йўналишда мактабгача таълимдан бошлаб, олий таълимгача бўлган барча босқичлар қамраб олинган бўлиб, мактабгача, умумий ўрта, касб-хунар ва олий таълимда аҳолининг барча қатламларига тенг имкониятлар яратиш муҳим вазифа сифатида белгиланган.

Бундан ташқари, дастурда олис ва чекка ҳудудларда ўқитувчиларга бўлган эҳтиёжни қоплаш учун “Қишлоқ ўқитувчиси” дастурини амалга ошириш таклиф этилмоқда. Албатта, бунда ўқитувчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш тизimini қонунчилик асосида мустаҳкамлаш масаласи ҳам ўрин

олган. Тасаввур қилайлик, бир одам бутун умрини ёшларга таълим беришга сафарбар этади. Доимо изланишда бўлади, ўз устида ишлайди ва ўқувчилари олий таълим муассасаларида ўқий олиши учун бор кучини сарфлайди. Чунки қишлоқларда болани дарсга қизиқтира олиш осон эмас. Ўқитувчи маҳорати эса одамларда, айниқса, ёшларда эртанги кунга ишонч туйғуларини шакллантиришга хизмат қилади. Бундай устоз қўшимча ҳақ олишга, эътироф этилишга муносиб, албатта.

Масофадан таълим олишни жорий этиш, талабалар учун ётоқхоналар масаласини босқичма-босқич ҳал қилиш каби таклифларнинг дастурга киритилиши нафақат ёшлар, балки уларнинг ота-оналарини ҳам бефарқ қолдирмас керак.

**Оллоберди
ЙЎЛДОШЕВ, партия
фаоли, фермер:**

— Бу дунёда бир хил инсон бўлмаганидек, уларнинг қарашлари, орзу-мақсадлари ҳам турлича. Ҳуқуқ ва имкониятлардан фойдаланиш учун шароит таъминланиши муҳим. Чунки одам бой ёки камбағалга, машҳур ёки оддий тоифага ажратилмайди. Улар аввало, инсон сифатида тенгдир.

Халқ демократик партияси номзоди айнан ушбу масалага урғу берган. Айниқса, аҳолининг ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд қатлами манфаатларининг ҳимояси борасидаги ташаббусларни маъқуллайман. Масалан, пенсия ва ижтимоий нафақа олувчиларнинг ҳаётин заруратларини қондиришни кафолатлайдиган таъминотнинг мақбул

тизимини шакллантириш масаласи илгари сурилмоқда. Шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари ҳам устувор мақсадлар сифатида белгилаб олингани аҳамиятлидир.

Биз қишлоқда истиқомат қиламиз. Табиийки, бу ерда пул топиш ҳам, уни сарфлаш ҳам, нарх-наводан тортиб, одамларнинг турмуш тарзига шаҳардан фарқ қилади. Демак, талаблар ҳам ана шунга монанд бўлиши лозим. Аҳолининг даромадига қараб табақалаштирилган солиқ тизimini жорий этиш масаланинг мақбул ечимларидан, деб биламиз. Шу боис асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархларини шакллантириш устидан жамоатчилик назоратини

қатъий ўрнатиш бўйича берилган таклифдан кўпчилик хурсанд бўлмоқда. Мана шулар қаторида агар қишлоқ туманларига саноатни олиб кириш кўлами кенгайтирилса, ўйлайманки, фаровонлик ошишига хизмат қилади.

Номзоднинг Сайловолди дастури билан танишар эканман, ҳар бир йўналишда шахснинг салоҳиятини рўёбга чиқариш учун тенг имкониятлар яратиш асосий вазифа қилиб олингани яққол намоён бўлади.

Оилалар фаровонлиги, болалар учун бахтли болалик, ёш авлод учун ишончли келажақ, қариялар учун ғамхўрлик тамойилларига асосланган дастурдаги бандларнинг ҳаётга татбиқ қилиниши ижтимоий самаралар беради.

**Муқаддас
ЎРОЗАЛИЕВА,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатасидаги
Ўзбекистон ХДП
фракцияси аъзоси:**

— Албатта, бугун республикамызда бўлаётган сиёсий жараёнга бутун жаҳон ҳамжамияти алоҳида эътибор билан қараб турибди. Ҳамжиҳат халқимиз ҳам ушбу жараёнларга бефарқ эмас. Қаргга учрашувга бормайлик, фуқароларнинг саволлари, эртанги кун ҳақида қайғуришлари, ислохотларга қизиқишларига гувоҳ бўляпмиз. Улар нимани истагини, қайси ғоя ва ташаббуслар ортдан эргашини яхши билади. Ўзи ишонган номзодга овоз бериши ҳақида аниқ фикрга эга. Ўтказилаётган тарғибот-ташвиқот тадбирлари юртимиз тараққиёти ва демократик тамойилларнинг устуворлигига хизмат қилаётгани фуқароларимиз томонидан эътироф этилмоқда. Бу қувонарли ҳол, албатта.

Партиямыздан Президентликка номзоднинг дастурига келсак, у ҳамма учун тенг имконият яратиш керак, деган ғояни ўзида жамлагани билан аҳамиятлидир. Хусусан, ижтимоий тенглик ҳамда халқ демократияси мезонларига мос келаётган давлат ва жамият барпо этиш ташаббуслари эътиборга молик. Бу мақсадлар аввало, аҳоли кенг қатламлари фаровонлигини таъминлашни назарда тутди.

Ривожланиш ва тараққиёт учун барқарорлик муҳим саналади. Шундан келиб чиқиб, аҳоли муаммоларини ҳал этишнинг энг самарали ва адолатли шакли сифатида маҳалла тизimini ривожлантириш, маъмурий, ижтимоий, маданий ва бошқа муаммоларни ҳал этишда унинг тўлиқ иштирокини таъминлаш керак, деб қаралмоқда. Муҳими, қабул қилинаётган қонунлар ва қонун ҳужжатлари, давлат бошқаруви органлари фаолияти натижаларини ошқорлаш ҳамда конструктив муҳокама қилишда фуқаролик жамияти институтлари иштирокини кенгайтириш лозим. Бунинг учун замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятидан фойдаланиш тизimini янада такомиллаштириш талаб этилади. Бу борада номзод давлат органлари фаолиятига аҳолининг ижтимоий кайфиятига таъсир кўрсатадиган муаммоларни олдиндан аниқлаш ва уларни самарали ҳал қилишни таъминлайдиган замонавий “ижтимоий диагностика” услубларини жорий қилиш таклифини илгари сурмоқда. Асосийси, “ижтимоий диагностика” натижаларига кўра, тегишли қарорлар қабул қилиниши ҳамда тезлик билан бажарилиши керак бўлади.

**Акмал ТУРСУНБОВЕВ,
Ўзбекистон ХДП
Марказий Кенгаши
масъул ходими:**

— Ижтимоий тенглик ҳақида кўп гапирилади. Аслида, жамият фаровонлигига ушбу тамойил жуда муҳим саналади. Аҳолининг турли қатламларига бериладиган иқтисодий ва ижтимоий имкониятларда тафовут бўлмаслиги назарда тутилади. Сабаби, тенглик деганда одамлар адолат тамойилларини тасаввур қилади.

Номзодимиз дастури ана шу тамойилларга асосланган бўлиб, адолат ва тенгликни таъминлаш ғоялари билан бойитилган. Бунда ишсизликни бартараф этиш, таълимда замонавий ёндашув ва олий таълимга кўпроқ ёшларни жалб қилиш каби масалалар алоҳида аҳамиятга эга. Сабаби, таълим бу бирор касб ёки хунарга эга бўлиш имконияти ва албатта, ишсизликни бартараф

этишнинг бош шартларидан биридир.

Масалан, кам таъминланган аҳоли қатламининг манфаатларини олайлик. Тўғри, бу муҳим, лекин уларда боқимандалик кайфиятига барҳам бериш масаласи ҳам устуворлик касб этади. Шу сабабли уларни жамиятимизнинг фаол аъзосига айлантириш билан боғлиқ таклифлар ҳам белгиланган. Бунинг учун уларга моддий ёрдам эмас, асосан даромадга эга бўлишига имконият ҳамда шароитлар яратиш лозимлиги таъкидланган. Имтиёзли кредитлар, субсидиялар ажратиш тизimini янада такомиллаштириш масаласида таклифлар билдирилган.

**Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
“Ўзбекистон овози” мухбири.**САЙЛОВ УЧАСТКАЛАРИ МУҲИМ
СИЁСИЙ ТАДБИРГА ТАЙЁР(МИ?)**Шу кунларда Ўзбекистон
Республикаси Президенти сайлови
бўйича жойларда сайлов кампанияси
қизғин давом этмоқда.**

Андижон вилояти, Избоскан тумани “Юқори” маҳалласидаги 57-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида жойлашган 511-сайлов участкаси замонавий ахборот коммуникация технологиялари ва зарур адабиётлар билан таъминланган. Сайловчилар учун барча қулайлик ва имкониятлар яратилмоқда. Сайловни

юқори савияда ўтказиш ва фуқароларнинг фаоллигини таъминлашга қаратилган тадбирлар, семинар ва учрашувлар ўтказилмоқда. Сайловчиларни қизиқтирган мавзуларда давра суҳбатлари ташкил этиляпти. Бу эса уларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини янада оширишга хизмат қилмоқда.

— Сайлов участкамызда 1883 нафар сайловчи рўйхатга олинган, — дейди участка сайлов комиссияси раиси, 57-ИДУМ директори Сардорбек Юсупов. — Улардан 51 нафари биринчи марта овоз берувчилар. Жойида овоз берувчилар 68 нафарни ташкил қилмоқда.

Участкамызда сайлов қонунчилигига оид маълумотлар, сайловчилар ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисидаги тарғибот воситалари мавжуд. Шунингдек, сайловчиларнинг электрон рўйхати шакллантирилган. Тиббиёт хоналари ҳам шай ҳолатга келтирилиб, зарур дори-дармонлар ҳозирланган. Навбатчилик соатлари йўлга қўйилган.

Қисқа қилиб айтганда, ҳамюртларимиз юксак фуқаролик масъулиятини ҳис қилган ҳолда Президент сайловига тайёргарлик ишларини юқори савияда ташкил этмоқда.

Камчиликларни танқид қилиш, алоҳида шахсларнинг қилмишларини айтиб, матбуот орқали савалаш газетанинг асосий, бош мақсади эмас.

Матбуот жамият олдига бир неча саволларни кўндаланг қўяр экан, ўз навбатида, тезкор замонамиз ҳам унинг ўзига жиддий масалаларни рўбарў қилмоқда. Хусусан, 7-8 йил олдин босма нашрларнинг истиқболи ва келажакда асосан сайтларнинг ривожланиши ҳақида қизғин муҳокамалар бўлган эди.

Қарангки, бугун умуман матн, саводхонлик кейинчалик инсониятга керак бўладими-йўқми қабилидаги баҳслар авжида. Зеро, янги авлод ахборот истеъмолчисига матндан кўра, аудиовизуал маҳсулот кўпроқ маъқул кела бошлади. Замоннинг тез ўзгаришини кўринг!

Ҳа, асосий мезон – матн, шаклланган журналистикани асраш, қандай қилиб ривожлантириш бугун долзарб масала бўлиб қолди. Чунки, истиқболда ахборот истеъмолчисига видео, инфографика шаклидаги информациялар кўпроқ керак экан, матннинг тақдири нима бўлади? Қуйида шу ҳақдаги айрим мулоҳазаларни ўртоқлашмоқчиман.



МАТБУОТ ҲАҚИДА АЙРИМ МУШОҲАДАЛАР

Бугунги фуқаро мамлакатимизда кечаётган кучли фуқаролик жамияти қурилишининг пассив иштирокчиси, анъана ва удумларнинг одатий ижрочиси, қонунлар қошида сас-садосиз нотавон эмас. Билъакс улар жамиятдаги маънавий ва ахлоқий қоидаларнинг яратувчиси, ҳар қандай қонунларнинг ҳаётбахш бўлишини талаб қилувчи куч, воқеликни танқидий нуқтаи назардан фаол-муҳокама қилувчи субъект даражасига кўтарилгандир. Айни жараённинг воқеъ бўлишида оммавий ахборот воситаларининг, хусусан, матбуотнинг улкан ўрни ва роли бор.

Аммо, аён бўлмоқдаки, жамият тараққиётининг ҳозирги босқичига келиб, матбуотга муносабат жиддий равишда ўзгармоқда. Информатсия тарқатишнинг янгича усул ва воситалари кўпайгани туфайли айрим серфикр зиёлиларда **матбуотнинг рақобат майдонидаги имконияти бироз чеклангандек**, интернет, радио, телевидение каби ОАВдан ортда қолгандек таассурот шаклланимоқда. 400 йилдан зиёдроқ тарихга эга бўлган замонавий матбуот ҳақида баъзан турфа номарғуб сўзлар янграмоқда.

Хўш, аслида ҳам шундаймикин? Машҳур физик Эрнст Резерфорд лабораторияда у ёқдан-бу ёққа чаққон одимлаётган ёш ходимдан нима қилайсиз, деб сўрайди. Шунда ходим ишлаётганини айтади. Ана энди атоқли олимнинг жавобига эътибор беринг: **“Қизик, қачон фикрлайсиз?..”**

Матбуотнинг энг муҳим, жамият тараққиёти учун аҳамиятли жиҳати шундаки, бунда айтилган сўз умумлашма хулоса каби намоён бўлади. Биз гапираётганда сўзлашув манерамизга эътибор беравермаймиз, аммо ёзаётганимизда янги ва нишонга урадиган қилиб гап айтишга чоғланамиз.

Фикр оний лаҳзаларда, **тафаккур соатларидагина** инсонга ҳамдам, бошқа пайтда киши ана ўша фикрнинг ижрочиси, ташвиқотчиси бўлади. Дабдурустдан мақола ёки тадқиқот ёзиш қийин. Бунга ойлаб-йиллаб тайёргарлик кўрилади. Ёзарман ўзи суйган, таянган китоблар оралаб, фикрига қувват ва рағбат топишга интилади. Шу маънода, зиёлининг, кенг маънода, **миллатнинг асл интелликти матбуотда тўлиқроқ, аниқроқ намоён бўлади.**

Турли рақамлар, ҳужжат турлари, уларнинг қўлланиш соҳаси ҳақида кўюниб гапиришдан осони йўқ. Аммо батафсил ва кенг шарҳлаш учун матн керак, матнга қарабгина тугал хулосага келинади. Матни инкор этиб бўлмайди. Аудио-визуал санъат ёки восита орқали айтилаётган ҳар қандай мулоҳаза матннинг давоми, матннинг шарҳидир. Мухтасар айтганда, фалсафада базис ва устқурма деган тушунча

бор. Шу маънода, журналистикада **матн – базис, бошқалар – унинг устқурмаси.**

Газета ва газетхонлик оммавий ҳодисага айланмас экан, жамиятни олға ривожлантириш, зўр ғоя ва маслакларни халқнинг чуқур қатламларига сингдириш оғир кечади.

Мени доимо бир масала ўйлантиради. Яъни, газета ўқувчиларга қизиқ мавзулардан гурунғ бергани дурустми ёки муҳим мавзуларга қўл урилсами? Тўғри, давлат миқёсидаги йирик тадбирлар ва ҳаракатлар ўқувчилар учун қизиқ ва айни бир пайтда муҳим. Аммо кундалик ҳаётимиздаги одатий воқеликларга син солганда, нашрнинг келгуси чиқиши учун режалар тузилаётганда, албатта, омманинг қизиқишларидан келиб чиқилади ва нашрнинг табиати кўтарган қадар ўша масала ёритилади. Масалан, шоу-бизнес янгиликлари расмий нашрлар табиатига мос тушмаганидек, хиёбон газеталари ҳам иқтисодиётимизнинг муҳим бўғинларида кечаётган ҳодисаларни таҳлилий мақолага айлантиролмайди. Билмадим, бу номувофиқлик қачон ва қаерда пайдо бўла бошлаган, аммо, истардимки, ҳамма ва жумладан, талабаю хизматчилар, сотувчию харидорлар асл ва асил журналистик материални фарқлай олишса, вазирилик ва идораларнинг ахборот хизматлари берган маълумотларни қайта ишламасдан мана дея статистик тўплам мисоли чоп қилаётган кўча нашрларига баҳолай олишса...

Ўзбекистон қаҳрамони, раҳматли Озод Шарафиддиновнинг бир мақоласида ибратли мисол бор. Домла германиялик ҳамкасбига мурожаат қилиб, немис туркологлари тўғрисида “Жаҳон адабиёти” журналига мақола ёзиб беришни илтимос қилибдилар. Аммо немис олимаси таклифни жуда одоб ва андиша билан рад этиб, бундай мақоладан ҳеч наф йўқлигини, қуруқ ахборот ўқувчиларга фойда бермаслигини айтади. Ва вақти келганда, ўша мавзуда, аммо ижтимоий воқелик, илмий алоқалар тарихи мавзуси билан боғлаб алоҳида тадқиқот ёзиб беражагини айтади.

Юқоридаги мисолнинг қандай ибратли томони бор? Тасаввур қилинг, Янги йил ёки Наврўз байрами арафасида йил статистикаси, буржлар ва шу буржларда таваллуд топган машурлар, тақвимлар, байрам дастурхони ҳақидаги қизиқарли маълумотлар интернет сайтлари ёки оммабоп блогларнинг юзи, ҳозиржавоблиги, замонавийлиги белгиси бўлиб қолмоқда.

Эътиборлиси, айнан ана ўша маълумотлар ўтган йили худди шу нашрда эълон қилинганидан озроқ фарқланади, холос. Бундай

“МАТБУОТНИНГ ЭНГ МУҲИМ, ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ УЧУН АҲАМИЯТЛИ ЖИҲАТИ ШУНДАКИ, БУНДА АЙТИЛГАН СЎЗ УМУМЛАШМА ХУЛОСА КАБИ НАМОЁН БЎЛАДИ. БИЗ ГАПИРАЁТГАНДА СЎЗЛАШУВ МАНЕРАМИЗГА ЭЪТИБОР БЕРАВЕРМАЙМИЗ, АММО ЁЗАЁТГАНИМИЗДА ЯНГИ ВА НИШОНГА УРАДИГАН ҚИЛИБ ГАП АЙТИШГА ЧОҒЛАНАМИЗ.

зиёлинамо кимсалар газета ўқишдан наф йўқлигини айтиб қоладилар. Бундан ташқари, газетага ишлаб чиқариш ва яратувчанлик жабҳасининг зарбдор кучи эмас, деб қаровчилар бор.

Камчиликларни танқид қилиш, алоҳида шахсларнинг қилмишларини айтиб, матбуот орқали савалаш газетанинг асосий, бош мақсади эмас. Ана ўша хато-нуқсонларнинг туб илдизларини ўрганиш, пайини қирқиш борасида таклиф ва мулоҳазалар айтиш газета табиатига хосдир.

Оддий фуқароларимизни қўя турайлик, баъзан катта-катта ташкилотларда ишлаётган ходимлар ҳам газета ўқимаслигидан мақтаниш ҳолатлари кўзга ташланади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирилиги вакилларининг қўйончақлигига, газетхонлигига ҳавас қилса арзийди. Вазирилик ходимлари кундалик нашрларнинг фаолиятини қизғин кузатиш, ўқиб бориш баробарида, уларнинг фаол муаллифлари ҳамдир. Шунинг учун ҳам бу ташкилотда ишлаётган одам билан суҳбатингиз мароқли кечади, сўз тополмай қийналиб қолишлар йўқ.

Аммо мен журналист сифатида ҳамиша бир манзарадан чексиз мутаассир бўлман, яна ва яна янги нарсалар ёзишга иштиёқ сезаман, ана ўша ҳолатдан ажиб жўшқинлик ҳамда ҳар ишга қобиллик ҳиссини туяман. Ҳеч эътибор берганмисиз – хиёбонда, метрода, иш столида хаёлга чўмиб газета ўқиётган, демакки, шу куннинг қайноқ муҳокамаларига қовушган, тафаккур соатларини ўтқараётган инсонда ғоят хассос қалб бор: ҳар ишда, ҳар жабҳада ҳақиқат ва адолат тантана қилишига қатъий ишонадиган ва, керак бўлса, шу йўлга жонини тикадиганлар ҳам улар. **Жамиятнинг зарбдор кучи** – шулар, фикрнинг зўри ҳам уларда...

Устоз файласуф, профессор Абдулла Шердан замонамиз қаҳрамони ҳақида сўраганимда, қатъият билан **“Ўз замонасини севган одам унинг қаҳрамонидир”**, деган эдилар. Мақолага мухтасар яқун бўлган айни жумланинг маъзини бугун биз сўз юритган мавзуга боғлаб қақиб кўришни ўзингизга ҳавола қиламан...

Абдусайд БОБОКОЛОНОВ,
журналист.

ОВОЗ БЕРИШ COVID-19

ДАВРИДА

24 O'ZBEKISTON
PREZIDENTI
OKTABR 2021 YIL SAYLOVI

1 Сайловчи овоз бериш биносига киришда ижтимоий масофага риоя қилиши шарт. Бунда икки сайловчи уртасидаги масофа 1,5-2 метр бўлиши лозим.



2 Сайловчи биного киришда тана ҳарорати ўлчанади, унга химоя никоби ва тиббий қўлқоп берилади.



3 Сайловчининг қўллари антисептик воситалар билан дезинфекция қилинади.




4 Сайловчи участка сайлов комиссиясига шахсини тасдиқловчи ҳужжатини очиб кўрсатади.



Сайловда санитария қоидаларга риоя этишингиз саломатлигингизни сақлашда муҳим ҳисобланади.

13-oktyabr, chorshanba, 2021-yil.
№41 (32683)**ВАЗИРЛИК:****КАМЧИЛИККА ЙЎЛ ҚЎЙГАН
МАСЪУЛЛАРГА ЖАЗО МУҚАРРАР!**

ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАРДА ҚАШҚАДАРЁ
ВИЛОЯТИДАГИ 100 ДАН ОРТИҚ БОҒЧА
МУДИРАСИГА ОЙЛИК МАОШИДАН 30 ФОИЗЛИК
УШЛАНМА ЖАЗОСИ ТАЙИНЛАНГАНИ ҲАҚИДА
ХАБАРЛАР КЕТМА-КЕТ ТАРҚАЛДИ. ҚАШҚАДАРЁ
ВИЛОЯТИ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ БОШҚАРМАСИ
МАЗКУР ХАБАРЛАРГА МУНОСАБАТ БИЛДИРДИ.



Унда айтилишича, боғча мудираларига маъмурий жазо 2021 йил 8 сентябрдаги Мактабгача таълим вазирлигида ўтказилган видеоселектор йиғилишининг 11-сонли баёнига асосан берилган. Ушбу баённомада жазо чораси кўрилган мудираларга аслида вазирликнинг масъуллари томонидан ахборот тизимида қандай ишлаш, камчиликларга ва масъулиятсизликка йўл қўймаслик бўйича барча боғчаларга ўз вақтида тегишли кўрсатма, тавсиялар бериб борилган бўлса-да, улар ахборот тизимида хатоликларга йўл қўйган. Шу боисдан уларга ўртача ойлик иш ҳақининг 30 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима интизомий жазо чоралари қўлланган.

Айни пайтда вилоят мактабгача таълим бошқармаси томонидан ишчи гуруҳи тузилган ва ўз лавозим мажбуриятларини бажарган ҳолда OpenEMIS ахборот тизимига киритиладиган маълумотлардаги камчиликларни бартараф этган давлат боғчалари мудираларига қўлланган интизомий жазони енгиллатиш чоралари кўрилмоқда экан.

Бу масалага Мактабгача таълим вазирлиги ахборот хизмати қўйидагича муносабат билдирди:

Давлат раҳбари томонидан 2021 йил 23 июль куни кенгайтирилган тарзда ўтказилган видеоселектор йиғилиши баёнида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан Мактабгача таълим вазирлигининг "Аҳоли билан ишлаш тизимини мутлақо янгича ташкил этиш"га қаратилган чора-тадбирлар режасида белгиланган вазифалар ижросини тўлиқ таъминлаш ва ижобий натижаларга эришиш мақсадида олиб борилаётган ишлар етарли даражада эмаслиги аён бўлди. Шу боисдан, вазирликка ва тизимга келиб тушаётган муаммоли ҳолатларни аниқлаб, жойларга чиққан ҳолда ҳал этиш ва мурожаатларни камида 50 фоизга қисқартириш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан вазирликнинг масъул ходимларига кўрсатмалар берилди.

Ушбу кўрсатмалар натижасида шу нарса аниқ бўлдики, нисол учун, Жиззах, Самарқанд, Наманган ва Тошкент вилоятлари мактабгача таъ-

лим бошқармалари ҳамда Тошкент шаҳар бош бошқармасида мурожаатлар билан ишлашда сусткашликка йўл қўйилаётган бўлса, мурожаатларни ижобий ҳал этиш Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Тошкент, Сурхондарё, Навоий ва Андижон вилоят бошқармаларида етарли эмаслиги маълум бўлган.

» **2017 йилда 708 минг 247 нафарни, яъни қамров бўйича 27,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2018 йили 37,7 фоиз, 2019 йили 52,3 фоиз, 2020 йили 60,9 фоиз, 2021 йилнинг июнь ойи ҳолатига кўра эса қамров бўйича болалар сони 1 миллион 760 минг 808 нафар бўлиб, 62,4 фоизга етганини кўриш мумкин. Бу кўрсаткич йилдан йилга ортиб борапти. "ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ 2030 ЙИЛГАЧА РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА"ГИ ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИГА МУВОФИҚ, 2030 ЙИЛГА БОРИБ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМГА БОЛАЛАРНИНГ 80,8 ФОИЗИНИ ҚАМРАБ ОЛИШ РЕЖАЛАШТИРИЛГАН.**

Бундан ташқари, мазкур вазифалар ижросини таъминлаш бўйича вазирлик марказий аппарати таркибий бўлинмалари ва идоравий ташкилотлар раҳбарлари, бош бошқарма бошлиқларига мурожаатларни қайта ўрганиш ва ижобий ҳал этиш чораларини кўриш юзасидан топшириқлар берилди ҳамда мазкур масалаларга эътиборсизлик билан ёндашган раҳбар ва масъул ходимларга нисбатан тегишли чоралар кўрилиши кўрсатиб ўтилган.

Бошқарма бошлиқлари "Болалар боғчаси" Мактабгача таълимни бошқариш ахборот тизимидаги хатоликларни ўз вақтида бартараф этиш чораларини кўришда масъулиятсизлик билан ёндашганликлари учун огоҳлантирилган.

Шунингдек, ўз тасарруфидаги мактабгача таълим ташкилотларидаги қисқа муддатли гуруҳларга йўлланмалар шаклланган тарбияланувчиларни тўлиқ кунлик гуруҳларга ноқонуний ўтказганлиги ҳамда ахборот тизимида хатоликларга йўл қўйганлиги учун 68 та давлат мактабгача таълим ташкилоти директорлари фаолияти танқидий кўриб чиқилди. Уларни эгаллаб турган лавозимидан озод қилиш масаласи ҳам илгари

сурилди. Қисқа муддатли гуруҳларга йўлланмалар шаклланган тарбияланувчиларни тўлиқ кунлик гуруҳларга ноқонуний ўтказганлиги учун 164 та давлат мактабгача таълим ташкилотлари директорларига ўртача ойлик иш ҳақининг 30 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима белгиланди. Электрон навбатга, яъни ахборот тизимида хатоликка йўл қўйганликлари учун 1744 та давлат мактабгача таълим ташкилотлари директорларига ҳам ўртача ойлик иш ҳақининг 30 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима интизомий жазо чоралари қўлланди. Ушбу хатоликлар оқибатида давлат мактабгача таълим ташкилотларида болаларни электрон навбати ўзгаришсиз бўлганлиги ҳамда қабул қилинадиган болаларни янги рўйхатлари шаклланмаганлиги аниқланган. Келажакда бу каби камчиликларга йўл қўймаслик бўйича чора-тадбирларни белгилаш, коррупцион ҳатти-ҳаракатларни зудлик билан бартараф этиш вазифалари берилди.

Бу каби маълумотлардан кўриниб турибдики, вазирлик болажонлар таълим ва тарбиясида кичик хато ҳам кечирилмаслигини бутун оммага шаффофлик усулида ошкор қилган.

Вазирлик тизимидаги камчиликлардан ташқари, бир қатор ижобий жиҳатларни ҳам айтиб ўтиш лозим. Юртимизда 35 миллионга яқин аҳоли истиқомат қилиб, шундан 2,8 миллионини 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар ташкил қилади. Бунда аҳолининг йиллик ўсиши 800 минг болага тўғри келмоқда. Республика-мизда 3-7 ёшли болаларни мактабгача таълим ташкилотларига қамраб олиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада

йиллар ҳисобига назар ташласак, 2017 йилда 708 минг 247 нафарни, яъни қамров бўйича 27,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2018 йили 37,7 фоиз, 2019 йили 52,3 фоиз, 2020 йили 60,9 фоиз, 2021 йилнинг июнь ойи ҳолатига кўра эса қамров бўйича болалар сони 1 миллион 760 минг 808 нафар бўлиб, 62,4 фоизга етганини кўриш мумкин. Бу кўрсаткич йилдан йилга ортиб борапти. "Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Президент қарорига мувофиқ, 2030 йилга бориб мактабгача таълимга болаларнинг 80,8 фоизини қамраб олиш режалаштирилган.

Вазирлар Маҳкамасининг "Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёрлаш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, 2025 йилга келиб бепул мажбурий бир йиллик мактабга тайёрлов эса 6 ёш бўлган болалар мактабгача мажбурий тайёргарлик гуруҳларига 100 фоиз қамраб олинади.

Тоштемир Худойқулов,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.

**БОРЛИГИМИЗ
НИМА?**

Ҳар бир инсон ўз она тилини улуглайди, кўкка кўтаради. У орқали дунёни танийди, кашф этади, жамиятда ўз ўрнини топади. Тил – миллатнинг кўзгуси бўлиб, унда тарих, ўтмиш ва келажак жонланади. "Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадиган ойнаий ҳаёти – тил ва адабиётидур", – дея эътироф этади Абдулла Авлоний.

Дарҳақиқат, гўдак тилга кирар экан, тилида янграган илк сўз ўз она тилида бўлади. Автобус саломида ишга шошар эканман, кўзим жажжи қўллари билан онасига кўчадаги лотин алифбосида ёзилган реклама тахтасини кўрсатиб, "Ойи, бу ерда нима деб ёзилган?", деяётган болакайга тушди. Онаси унга сергаклик билан жавоб берди:

– "Люстри", – деб ёзилган ўғлим.

– У нима дегани? – сўради яна бола.

Она эса болага қандил нима эканлигини тушунтира кетди. Мана шу бола каби ҳар биримиз ҳарфни алифбодан, кейин мана шундай кўча-қўйда ёзилган турли қайдлардан ўрганамиз. Демак, уларда битилган хатоликлар, табиийки, ҳаётга энди кириб келаётган ўқувчилар онгига сингиб боради. Агар бола зукко бўлса, бу нуқсонларни пайқайди, аксинча бўлса, уларни борица қабул қилади.

Биргина мисол, катта бир бино олдидан ўтиб борарканман, у ердаги "Самарқанд ош", деган ёзувни ўқиб қолдим. Ўзимга ўзим савол бердим, мана шу баннерни ўз пештахтасига осиб қўйган "Ўзбек"лар наҳотки, "Самарқандча ош" ёки "Самарқанд оши", деб ёзиш даражасида ҳам билимга эга эмаслар. Бу ҳам етмаганидек, улар "Самарқанд ош" битиги тагига, "вкусный", деган русча сўзни ҳам ёзиб қўйишган. Бу икки тилда аралаш-қуралаш, узук-юлуқ ёзилган реклама баннери барчанинг гашини келтираётган-ю, бунга тамаддихона ходимлари бепарво. Балки, ҳозир мақолани ўқиётганлар, "Ҳа, энди, ҳамма ҳам тилшунос эмас-ку! Қўйинг, танқид қилаверманг!", деган фикрни хаёлидан ўтказар. Лекин мен бунга жавобан, аслида бу реклама пештахтасидаги хатоликни тўғрилаш учун тилшунос бўлиш шарт эмас, шунчаки ҳафсалали бўлишининг ўзи кифоя қилади, дегим келади.

Дўконда нон харид қилаётганимда икки нафар қиз қўлимга реклама варақасини узатишди. Чиройли қилиб, дид билан дизайн қилинган бу кичик қоғоз кўзни қувонтиради-ю беихтиёр, унда нима ёзилганини ўқишга тушдим. Ўнлаб имло хатоси билан битилганлардан шунга англадимки, қўлимдаги қоғоз янги ўқув маркази ташкил этилганидан дарак берапти. Унда бир неча хил тиллар ўрганиш учун янги гуруҳларга ўқувчилар такфил этилган. Ўзимга ўзим савол бераман, ўзи саводсиз устозлар ва эътиборсиз раҳбарият фаолият олиб бораётган ушбу марказ ўқувчига нимани ўргатар экан? Бу хулосага биргина мен эмас, балки бошқаларнинг ҳам келиши тавбаий.

Бирор муассаса, ташкилотга борарканман, у ердаги мижозлар учун эслатма, йўриқномаларни ўқиб қоламан. Аксарият ташкилотларда ўзбек тилидаги "Қ", "Ў" ва "Ҳ" ҳарфлари мутлақо ифодаланмаган ҳолда ёзилган матнларга кўзим тушади. Гўё ўзбек тилида бу уч ҳарф умуман йўқдек, "Йўриқнома" ўрнига "Йўриқнома", "Ҳақида"нинг ўрнига эса, "Ҳақида", "Бўлади" сўзи эса "Булади" каби кўрсатилади. Натижада матнни зўрга тушуниб оласан, киши.

Ҳар биримиз кўчага отланар эканмиз, уст-бошимизнинг тозаллиги, замонга хосми, бўйинбоғимиз билан қўлагимиз, сумкамиз билан оёқ кийимимизнинг ранги тўғри келадими, шулар ҳақида обдан бош қотираимиз. Агар ҳар биримиз билим, савиямиз, руҳий гўзаллигимиз ҳақида ҳам шу қадар жон қўйдирганимизда эди, мана бу каби тилимизга бўлган ҳурматсизликларга беэътибор қарамаган бўлардик. Ёки чет тилларини ўрганишга шоша-чама қилмасдан, аввало, ўз она тилимизнинг қоидаларини мукамал ўрганардик. Ахир, имло қоидаларига амал қилмай фикримизни ёзма баён қилишимиз, бизнинг билимсизлигимизнинг ифодаси эмасми?

Куни кеча мамлакатимизда ўтказилган нуфузли кинофестивалнинг ёпилиш маросимида чет эллик ижодкорлардан бири ўзбек сахнасида меҳмонларга қарата, ўзбек тилида ташаккур изҳор этиб, "Катта раҳмат", деганида қалбим бир тўлқинланди. Бошқа миллат вакилининг забонидан она тилимизга хос иборанинг янграши, кўнглимда ифтихор туйғусини уйғотди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, энг катта хиёнат эътиқодга бўлган хиёнат саналади. Эътиқодимизнинг узвий бир жиҳати ҳам тилимизга бўлган эътиборимиз биландир. Бу ҳақиқатни тушунган ҳолда ҳар биримиз она тилимизнинг бойлигини, унга бўлган ҳурматимиз ва муҳаббатимиз, тилимизни дунёга тараннум этиш билан кўрсатишимиз керак.

Шаҳриёр МАНСУРОВ,
Ўзбекистон Республикаси қўрилиш вазирлиги
маслаҳатчиси.

E'LOH**"БУХОРО СУВ ТАЪМИНОТИ" МЧЖ ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИНИ ЁЛЛАШ УЧУН
"ЎЗСУВТАЪМИНОТ" АЖ ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Танловда иштирок этиш учун 2021 йил 20 октябрга қадар Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 152-уйда жойлашган "Ўзсувтаъминот" АЖ почта манзилига ёки электрон почта E-mail: corporate@uzsuv.uz орқали қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда ариза юборилиши лозим:

- аудиторнинг резюмеси;
- аудиторнинг паспорти ва дипломининг нусхалари;
- аудитор ва ички аудитор сертификатининг нусхаси;
- ҳар йили малака ошириш курсини ўтаганлиги тўғрисида маълумот.

Номзод учун асосий талаблар:

- Олий иқтисодий маълумот;
- Бухгалтерия ҳисоби, аудит, молиявий ёки солиқ нazo-

рати соҳасида сўнгги ўн йил ичида камида беш йил амалий иш тажрибаси;

- Сув таъминоти ва оқова сув хизмати хисоҳи бўйича етарли маълумотга эга бўлиши;

- Махсус аудиторлик кўникмаларини қўллаш, халқаро бухгалтерия стандартларини билиши.

Ички аудит хизмати ходимларини ёллаш "Бухоро сув таъминоти" МЧЖнинг ягона иштирокчиси – "Ўзсувтаъминот" АЖ қарори билан амалга оширилади.

Кўрсатилган муддатлардан кейин киритилган такфиллар ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади ва қўриб чиқиш учун қабул қилинмайди.

Мурожаат учун телефонлар: (55) 503 12 55 (119), (99) 458 05 02.

Орамизда ана шундай изланувчан, ҳалоллик билан ўз ишига ёндашадиган инсонлар кўпайсин.

REKLAMA O'RNIDA

13-oktyabr, chorshanba, 2021-yil.
№41 (32683)

Хабарингиз бор, кейинги йилларда мамлакатимизда кенг кўламдаги қурилиш-бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Эътиборли жиҳати шундаки, бу улкан ишлар жараёнида, аввалгилардан фарқли равишда аҳоли учун уй-жой қуришга алоҳида эътибор қаратилди ва бунинг натижасида минг-минглаб юртдошларимиз ўз уйлари — мўъжаз ватанларига эга бўлишмоқда.



БАРАКА — ҲАЛОЛЛИКДА

Бу ишларнинг амалий бир ифодасини кўрмоқчи бўлган киши пойтахтимизнинг Сергели туманига бир борса кифоя, назаримизда. Чунки кейинги беш йил ичида Сергели тумани ва унга ёндош ҳудудда бутунлай янги шаҳарча, аниқроғи, номига мос ҳолда янги бир туман пайдо бўлди. Бугун ушбу мўъжаз ва файзли масканда қанчадан-қанча оилалар бахтли ҳаёт кечиришмоқда.

Бир пайтлар Тошкент шаҳрининг чекка ҳудудларидан бири бўлган Сергели туманида ҳам охириги йилларда бутунлай замонавий архитектура йўналишидаги уй-жойлар қад ростлади.

— Шундай хайрли ишга менинг ва жамоамизнинг ҳиссаси қўшилганидан жуда хурсандман, — дейди **ПЭСКА-2 қурилиш корхонаси раҳбари Сирожиiddин Исмоилов**. — Ҳар доим бу ердан ўтаётганда кўнглим қувончга тўлиб, ўз ҳаётимдан, фаолиятимдан мамнунлик ҳиссини туяман. Биргина 2019 йил охирига қадар Сергели туманида 547 та хонадонни ўз ичига олган 5 та кўп қаватли уйни қуриб, эгаларига топширдик. Фаолиятимиз давомида бундан кейин ҳам пойтахтимизда яна бир нечта шундай уйлари қуриб, кўплаб оилаларнинг қувончига шерик бўлдик.

Сирожиiddин аканинг “оилалар қувончига шерик бўлдик”, деган гапларини эшита туриб ўйланиб қолдим. Чиндан ҳам биз, ўзбеклар учун уй-жой масаласи доимо биринчи ўринда туриб келган. Кўпни кўрган кексаларимизнинг уйли бўлишни Ватанли бўлишга менгзашида ҳам катта маъно бор.

— Ҳар қандай ишда

сифат бўлса, албатта ўз меҳнатингизнинг олқишини оласиз, — дейди суҳбатдошимиз. — Фаолиятим давомида мен энг кўп амал қиладиган нарсаси ҳам шу: сифатли бўлсин, одамларнинг дуосини олайлик. Яширишнинг ҳожати йўқ, баъзи пайтларда айрим уйларнинг сифатсиз қурилгани ва бундан уй эгаларининг норози бўлиб юрганларини ҳам эшитиб қоламиз. Норозилик бор жойда, билингки, барака бўлмайди. Бугун бўлмаса, эртага бу ишларнинг охири вой эканини тушуниб етасиз. Аслида ҳам рози-ризоликда гап кўп. Корхонамизда 500 нафарга яқин ишчи ишлайди. Мен уларнинг ҳар бирининг меҳнатини қадрлашга ҳаракат қиламан ва ўз навбатида, улардан сифатли ишни ҳам талаб қиламан.

Туманда барпо этилаётган янги уйларнинг энг харидорги ҳам Сирожиiddин Исмоиловнинг жамоаси томонидан барпо қилинган уйлар ҳисобланади. Бунинг сабаби шуки, бу уй-жойлар сифати, қолаверса, хоналарнинг қулай жойлашгани билан барчага маъқул келмоқда. Умуман олганда, Сергелида, хусусан, дарё бўйида бўлаётган бунёдкорлик ишларида Сирожиiddин Исмоиловнинг хизматлари жуда катта. Қолаверса, хайр-саховат борасида ҳам у кишидан кўп нарсаларни ўрганса бўлади. Хизматларини давлатимиз ҳам муносиб эътироф этмоқда. Ўтган йили “Меҳр-саховат” кўрак нишони билан тақдирланди.

Албатта, бундай юксак эътирофлар бежизга эмас. Сирожиiddин акани яқиндан билганларнинг айтишича,

“

ДЕМОҚЧИ БЎЛГАНИМ, ИШГА ҲАЛОЛЛИК БИЛАН ЁНДАШГАНИМИЗ УЧУН ДОИМО ҲАМКОРЛАРНИНГ ИШОНЧНИ ҚОЗОНИБ КЕЛАЯПМИЗ. ХУҚУҚШУНОС ХУСАН ҚАҲҲОРОВ, МЕНЕЖЕРЛАР ЗАЙНИДДИН ШЕРМАТОВ, МУНИРА РУСТАМОВА БИЛАН ДОИМИЙ ҲАМКОРЛИКДА ОЛИБ БОРАМИЗ. МЕН ИШДА КАТТА-КИЧИК, ДЕБ ЎТИРМАЙМАН. МАСАЛАН, САНТЕХНИК АКМАЛ ЖУМАЕВ ВА БРИГАДИР ЭРЖИГИТ АБДУБАЕВ БИЛАН ҲАМ ДОИМИЙ МАСЛАҲАТЛАШИБ ИШ ТУТАМАН.



ўтган йилги пандемия вақтида қараб турмасдан халқимизга анчайин ёрдам кўрсатган. Карантин пайтида Тошкент шаҳар ва Сергели тумани ҳокимиятлари билан биргаликда 200 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларини халқимиз учун хайрия қилган экан.

— Тошкент шаҳридаги оддий, зиёли хонадонда туғилиб ўсдим, — дейди у киши. — Биз улғайган оилавий муҳитда доимо ҳалолликка эътибор бериларди. Ота-онам талабчан, шу билан бирга меҳрибон, оқкўнгил инсонлар бўлишган. Отам кўп йиллар давомида Шайхонтоҳур туманидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари базасида раҳбарлик лавозимларида ишлаган. Онам ҳамширалик қилиб, одамларнинг дуосини олган инсонлардан бири. Оилада катта фарзанд бўлганим учун улар ҳар доим менга алоҳида эътибор билан қарашар эди. 1986 йилда ўрта мактабни тамомлаб, ўзим қизиққан соҳа бўйича билим олишга қарор қилдим ва Тошкентдаги қурилиш техникумига ҳужжат топширдим. 1988 йилда техникумни тугатиб, иш фаолиятимни бошлаганман. Худога шукр, ота-онамнинг тарбияси, ўз вақтида берган эътиборлари туфайли бугун барчамиз ҳаётда ўз ўрнимизни топдик. Сингилларим ўзлари қизиққан йўналиш бўйича фаолият олиб бормоқда, укам эса тадбиркор. Эришган барча ютуқларда ҳар доим ота-онамиздан миннатдор бўламиз.

Суҳбатимиз давомида Сирожиiddин акадан оиласи ҳақида ҳам сўрадик. У кишининг айтишича, турмуш ўртоғи Дилрабохон ҳамшира бўлиб ишлаган. 31 йилдан буён аҳилликда турмуш кечириб, икки ўғил, икки қизни тарбиялаб вояга етказишмоқда. Тўнғич фарзанди Фаҳриддин Вестминстр университетини тамомлаб, “Nestle”

компаниясида таҳлилчи бўлиб ишламоқда. Қизлари Дилором ва Раъно оилали, ўзларидан тиниб-тинчишган. Кичик ўғли Бобур ҳозирда мактабда 10-синфда ўқимоқда.

— Инсоннинг ҳаётда эришган ютуқларида оиланинг ўрни жуда катта деб биламан, — дейди Сирожиiddин ака. — Оилам ҳар доим мени тўғри тушуниб, қўллаб-қувватлагани учун ҳам шундай натижаларга эришаяпман, деб ўйлайман. Қолаверса, ота-онамнинг берган тарбияларининг маҳсули ҳам, деб биламан. Масалан, ҳамкорлар билан ишлашда ишонч жуда муҳим. Мен ҳар доим ишончини йўқотмасликка ҳаракат қиламан. Тошкент шаҳридан ташқари, Самарқанд вилоятидаги шаҳар ва туман газ таъминоти идоралари объектларини ҳам қуриб, фойдаланишга топширганмиз. Демокчи бўлганим, ишга ҳалоллик билан ёндашганимиз учун доимо ҳамкорларнинг ишончини қозониб келаяпмиз. Хуқуқшунос Хусан Қаҳҳоров, менежерлар Зайниддин Шерматов, Мунира Рустамова билан доимий ҳамкорликда иш олиб борамиз. Мен ишда катта-кичик, деб ўтирмайман. Масалан, сантехник Акмал Жумаев ва бригадир Эржигит Абдубаев билан ҳам доимий маслаҳатлашиб иш тутаман.

Халқимизда “аҳиллик ва ҳалоллик бор жойда кут-барака, файз бўлади”, деган гап бор. Бугун сўз юритган қаҳрамонимиз — Сирожиiddин Исмоилов ҳам ана шу инсоний мезонларга амал қилиб, кам бўлмаётган, аксинча, элнинг дуосини олаётган инсонлардан бири. Орамизда ана шундай изланувчан, ҳалоллик билан ўз ишига ёндашадиган инсонлар кўпайсин, деймиз!

Ойгул РАЗЗОҚОВА,
журналист.



TUYG'U

13-oktyabr, chorshanba, 2021-yil.
№41 (32683)МЕЗОН. ЙИГИРМА БИРИНЧИ
ЙИЛ ОЛМАЛАРИ

МЕНГА НЕГАДИР ШАҲАР ЁҚМАЙДИ – ПОЙТАХТДАН САЛ НАРИРОҚДА, КЎНГЛИМГА ЁҚАДИГАН СУКУНАТНИ ОЛИС-ОЛИСЛАРДАН ЭШИТИЛАДИГАН ПОЕЗДНИНГ ОВОЗИГИНА БУЗИБ ТУРАДИГАН ЖОЙЛАРДАН ВАТАН ҚИЛГАНМАН. БУЁҒИНИ СЎРАСАНГИЗ, ЭРТА БАҲОРДА БИНАФША АТРИ ДИМОҚНИ ҚИТИҚЛАЙДИ; ЁЗДА БОЛА-БАҚРАМ БИЛАН ДАРЁ СОҲИЛИДАН БЕРИ КЕЛМАЙМИЗ; ҚИШДА ТОҒ, ОВ, ЯХМАЛАК; АЙНИ КУЗДА ТИЛЛАРАНГ БОҒЛАР, ОЛМАЛАР ОҚИБ ЁТГАН АРИҚЛАР – ЎЗИНИ АВАЙЛАБ, ҲАЁТДАН БАҲРА ОЛИБ ЯШАШ ШУ БЎЛСА КЕРАК-ДА!

БУГҲҲН ЭРТАЛАБ ИШГА КЕЛАЁТГАНИМДА КЎРДИМ – ЙИГИРМА БИРИНЧИ ЙИЛ ОЛМАЛАРИ ҲАРҚ ПИШИБДИ. НУРАФШОН – ТОШКЕНТ ЙЎЛИНИНГ ЎНГУ СЎЛИДА ЯСТАНИБ ЁТГАН БОҒЛАРДА КУЗГИ ОЛМАЛАР ҚИЗАРИБ, ОҒТОБДА ЯЛ-ЯЛ ТОВЛАНИБ ТУРИБДИ. ОСМОН МЕЗОНЛАРДАН ЙИЛТИРИБ ТУРИБДИ, ЙИГИРМА БИРИНЧИ ЙИЛ, КУЗ.



Қадим туркий асотирларга кўра, олма ҳомила уйғотувчи мева, ёр танлаш, севги рамзи (Шомирза Турдимов) ҳисобланади. Айрим ривоятларга кўра, олма Одам атонинг жаннатдан ҳайдалишига сабабчи бўлган мева, дейилади. Тўғри, баъзи ривоятларда анжир ҳам дейилади, лекин мен олма вариантига кўпроқ ишонаман.

Майли, буям бир гап-да энди. Нима бўлганда ҳам олма мўъжизакор мева.

Бугун бозорларимизга кирсангиз, тўкинлик, файзу барака, фаровонликни кўрасиз. Тилими тилни ёрадиган Сирдарё қовунлари, болдек мазали Паркент узумлари, хуштаъм Қува анори, Чортоқ бодомия Янгиқўрғон олмалари, Қўшработ майизи, Самарқанд

нонлари, Фарғона ширмони расталарни тўлдириб турибди.

Бундай пайтда табиат камолотга етишиб, ўз ҳосилини ҳазрати инсонга қўшқўллаб тутқазиб турган паллада ҳаёт моҳияти, умр мазмуни ҳақида ҳаёлга берилгн келади. Бинобарин, мева бермайдиган дарахт, гулламайдиган бута, ўсмайдиган гиёҳ кўзга хунук, ёқимсиз кўринади. Ривожланиш, доимий тараққиёт борлиққа хос ҳодиса.

Мезон – тарози, демак. Тарози деганда фақат жисмонан мавжуд буюм ёки маҳсулотнинг ўлчовини тушунамиз-а? Ай, йўқ... Бу оламнинг ўмрибоқий мезонлари бор. Энг оғир ва машаққатли мезон – ўз қалбингн

тафтиш қилишинг, мен жамиятга нима бердим, шунчаки индивид, биомасса сифатида яшайманми ёки онгли мавжудот ўлароқ тараққиёт йўлларида менинг ҳам айтар сўзим борми, деган саволларга кўмилиб яшашдир.

Ҳимолай тоғининг чўққиларида ўсадиган бир гул бор. Ўша гул ҳам юксакка интилиб бўй чўзади. Ҳаёт қонуни шу. Дунёга келдингми, яшадингми, ўзингдан яхши ном қолдир, бир мева берки, ортингдан ёруғ хотиралар қолсин.

Боғ-роғлари меваларга тўлиб турган мезон ана шундай дарс беради.

Тоштемир МУРОД.

Яхши инсонлар борлиги учун яшагинг келади

Шундай инсонлар борки, уларнинг оддий ишлари бутун ҳаётингни ўзгартириб юборади, дунёга қайта келгандек бўласан, яшагинг келади. Улар ўз ишини оддийгина кунлик юмуш ёки касб деб ҳисобласа ҳам, одамлар хизматларини тан олишади, миннатдорчилик билдирашади. Улар шифокорлардир. Уларнинг олтин қўллари билан беморлар тузалиб, дардига шифо топишади. Юзларидан самимийлик уфуриб турган, камсукум, содда, камтарин нигоҳларда сеҳр бордек туюлаверади менга.

Яқинда соғлигимни яхшилаш учун вилоят саломатликни тиклаш шифохонасига келдим. Шифохона 60 ўринли стационар даволаш бў-

лими ҳамда вилоят аҳолисига тиббий хизмат кўрсатувчи кундузги поликлиника бўлиларидан иборат.

Бош шифокор Сардор Эркаев бу ерда соғлом иш муҳитини яхши ташкиллаштирган. Тўғриси, шифохонадаги тотувлик, самимийлик, ҳар бир беморга бор меҳрини бериб, элимизнинг соғлиги йўлида хизмат қилаётган шифокорларни кўриб тасаннолар айтдим. Шу вақтгача кўплаб бошқа мамлакатлардаги санаторийларда дам олганман. Лекин бу оддийгина шифохонада шунинг англадимки, ҳар бир инсон самимий муносабатга муҳтож экан. Бу ерда барча шифокор ва ҳамшира беморларни «Қизим, синглим, ўғлим, отажон, онажон», дейишни қанда қилмайди.

Шунингдек, улар беморларнинг оила аъзоларига касаллик тарихи, унинг тузалиб кетиши учун қандай ёндашиш керак, у билан қандай муомалада бўлиш керак, бемор тузалиши давомида қандай мураккаб жараёнларни бошидан кечириди – барини сўзлаб беришади. Бу эса кўпинча ижобий натижа беради.

Бу ердаги шифокорлар учун ишхона уларнинг иккинчи уйдик бўлиб қолган экан.



Негаки, улар фақатгина даромад топиш учун эмас, атрофдагиларига меҳр улашиш учун ишлашади.

Мен буларни нега айтяпман, нима учун шифокорлар ҳақида сўз юритдим? Боиси бугунги кунда улар ҳақида турли фикрлар билдирилади, ҳам салбий, ҳам ижобий. Ҳаётни ижобий томондан кўрадиганларга ҳаммиша яхши инсонлар учрайди. Саломатлигимиз учун қайгурадиган, дардимизга дармон бўладиган бу касб эгаларига ҳам хизматлари учун ҳар қанча ташаккур айтсак арзийди.

Турдикул МАМАНОВ,
халқ депутатлари Деҳқонобод туман
Кенгаши депутати.

ЭЪЛОН

“ЎЗСУВТАЪМИНОТ”
АКЦИЯДОРЛИК
ЖАМИЯТИ

“Наманган сув таъминоти”
МЧЖ “Қизил Равот” сув
тозалаш иншооти насос
станцияси учун насос
агрегатлари харидига тендер
эълон қилмоқда

Тендер иштирокчиси у товар ишлаб чиқарувчи эканлиги ҳақидаги тегишли ҳужжатларнинг асл ёки тасдиқланган нусхасини, товар ишлаб чиқарувчи заводдан ишончнома, ишлаб чиқарувчи завод билан дилерлик келишув ҳақидаги ҳужжатнинг ёки етказиб бериш учун товар ишлаб чиқарувчидан авторизация ҳужжатини тақдим этиши керак. Тендер танловида тендер ҳужжатларида қўйилган талабларни бажарган, харид қилинаётган маҳсулотларни тегишли ҳажмини етказиб беришда таърибага эга бўлган хорижий ва маҳаллий етказиб берувчи корхона қатнашиши мумкин.

АО “ЎЗСУВТАЪМИНОТ”

объявляет тендер на
закупку насосных агрегатов
для насосной станции
ВОС «Кизил-рават» ООО
«Наманган сув таъминоти»

Участник тендера должен предоставить оригинал или заверенную копию соответствующих документов о том, что участник является производителем товара; доверенность от завода-изготовителя товара; копию документа о дилерском соглашении с заводом-изготовителем или авторизацию от производителя товара на осуществление поставок. В тендере могут принять участие как иностранные, так и отечественные предприятия-поставщики, выполнившие условия, предъявляемые в тендерной документации, имеющие опыт по поставке соответствующих объемов закупаемой продукции.

«Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти жамоаси таҳририят ходими Бекзод Абдуназаровга отаси

Абдусамад отанинг
вафоти муносабати билан чуқур
ҳамдардлик билдиради.

Боғларда куз кезади, титроқ,
Елкасида кўч-у кўрони.
Илдизидан узилган япроқ,
Титроғида кўрдим дунёни.

Ана боғлар, нима ҳам дейин,
Кўз олдимда эзгин-эзгин сўз.
Кўзларингга термулган сайин,
Кўз ўнгимда гуллаяпти куз...
Кўчқор Норқобил.

O'zbekiston ovozi

МУАССИС:

O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV
Ulug'bek VAFOYEV
Maqsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV
Guliston ANNAQILICHEVA
Muslihiiddin MUHIDDINOV
Hayotxon ORTIQBOYEVA
Shuhrat ISLOMOV
Toshtemir XUDYOYULOV

Bosh muharrir: To'liqin TO'RAXONOV

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100135, Toshkent, Bunyodkor shoh ko'chasi, 50 «A»-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi: Bekzod ABDUNAZAROV

Г — 1041. 20130 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari

O'zA yakuni —
Topshirilgan vaqti — 23:20.

ISSN 2010-7633



9 772010 763008



Газетанинг электрон sahifasiga
utish uchun QR-kodni telefoningiz
orqali skaner qiling.

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda